



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган
e-mail: axborot@xasr.uz
www.21asr.uz

2013 йил 7 март, пайшанба, 09 (485)-сон

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



УЛКАН МАҚСАД САРИ ТАШЛАНГАН ОДИМ

3 Давлат дастури



ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

5 Худудларда



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ — СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА

8 Жараён

«Ёшлар қаноти»

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда O'zLiDeP учун муҳим восита бўлади



2004 йилда O'zLiDeP аъзолари орасида 18 ёшдан 34 ёшгача бўлганлар сони 51 минг нафарни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 88 мингдан ошди.

Янги авлод вакиллари 1977 нафари бошлангич партия ташкилотларига етакчилик қилаётгани эса ёшларнинг либерал-демократик ғояларни тарғиб этишдаги роли тобора ошиб бораётганидан далолат берапти.

3 >>>

Долзарб мавзу

УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР МУҲОКАМАСИ

Бухоро давлат университетида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, ёшларни мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнига кенг жалб этиш масалалари юзасидан очик мулоқот ташкил этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида кўрсатиб берилган устувор йўналишлар ҳамда 2012 йилга мўлжалланган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

6 >>>



Солмак, ЗОИР оғани сураёт

Электорат манфаатини ифодалаш — энг муҳим вазифа

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА САЛОМАТЛИгини АСРАШ, ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фракция аъзолари кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига, энг аввало, электорат манфаатини ифодалаш нуқтаи назаридан ёндашганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама-сида бундай ҳолат яққол кўзга ташланди.

— Ушбу лойиҳа мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида аудиторлик фаолиятини

такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, амалдаги аудит тизимини халқаро андозалар асосида қайта ташкил этишни назарда тутди, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов.

2 >>>

O'zLiDeP ташаббуси

Янги қонунга янги муносабат шакллантирилиши керак

«ОИЛАВИЙ КОРХОНА ТўҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ИЗЧИЛ ТАРҒИБ ЭТИШ, УНДАН КўЗДА ТУТИЛГАН АСЛ МАҚСАДНИ КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМИГА ЕТКАЗИШ O'ZLIDEPНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, O'zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббуси билан ташкил этилган «Оилавий корхона — мустақам оила пойдевори» мавзудаги давра суҳбатида айрим худудларда оилавий тадбиркорликни тарғиб этиш, оилавий корхона афзалликларини аҳолининг барча қатламларига етказишга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланган эди.

Турли соҳа ва тизимлар вакиллари иштирок этган тадбирда бу масалани қатъий депутатлик назоратига олиш, қонуннинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган имтиёз ва қулайликлар хусусида жамоатчиликка кўпроқ маълумот беришга қаратилган урчушуларни жойларда ўтказишга қарор қилинган. Шу кунга-

6 >>>

ЭКСПОРТ 5 БАРОБАРГА КўПАЙДИ

«Ўзкимёсаноат» ДАК тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти кейинги уч йилда 2-3 бараварга кўпайди. Жумладан, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё давлатларига сотилган товарлар ҳажми 5 бараварга ошган бўлса, МЛХ давлатларига 1,5 бараварга кўпроқ маҳсулот экспорт қилинди. «Ўзкимёсаноат» ДАК ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда ана шундай маълумотлар эълон қилинди.

— Ўтган йили ишлаб чиқариш жараёнига инвестиция киритиш борасида ҳам яхши натижаларга эришдик, — дейди «Ўзкимёсаноат» ДАК Инвестициялар департаменти бошлиғи Маъруф Абдалов. — Хусусан, «Навоийазот» ОАЖ томонидан техник кремний ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилгани, Деҳқонobod калийли ўғитлар заводининг амалдаги қуввати 20 минг тоннага оширилгани, шунингдек, «Максам-Чирчиқ» ОАЖда карбамил ишлаб чиқариш қувватларининг модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилда 270 минг тоннага етказилгани айтиб ўтиш мумкин.

2013 — «Обод турмуш йили»

Дастур ижроси учун масъулмиз

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БОШҚА СОҲА ВА ТИЗИМЛАР ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИгини ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ БўЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ОПА-СИНГИЛАРИМИЗНИ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЖАЛБ ЭТИШГА ОИД ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР ўРИН ОЛГАНКИ, БУ O'ZLIDEP «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ЗИММАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Мухлиса АКРАМОВА, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган миллий ва умуминсоний тамойиллар ифодаси айни пайтда минг-минглаб опа-сингилларимиз ҳаёти, меҳнат фаолиятида ҳам ўз аксини топаёт-

гани. Аша шулардан келиб чиқиб, «Аёллар қаноти» 2013 йилда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини янада ошириш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини таъминлаш мақсадида аниқ йўналтирилган режаларни амалга ошира бошлад.

3 >>>

Парламентда

Электрон хужжат айланиши: қулай ва ишончли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КўМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БўЛИБ ўТДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси томонидан ўз фаолиятида электрон хужжат айланиши ҳамда электрон

рақамли имзо тизимини янада жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

6 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўлайлиги қийматини белгилади.
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маърузаларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	▼ 2058,05	1 АКШ доллари	▲ 2026,04
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3046,15	1 Миср фунти	▲ 300,59
1 Дания кронаси	▼ 353,66	1 Исландия кронаси	▲ 16,31
1 БАА дирҳами	▲ 551,62	1 Канада доллари	▼ 1968,37

1 Хитой юани	▲ 325,48	1 Туркия лираси	▼ 1126,39
1 Малайзия рингити	▲ 652,82	1 Швейцария франки	▼ 2150,79
1 Поляша злотийси	▼ 638,57	1 ЕВРО	▼ 2655,28
1 СДР	▼ 3054,28	10 Жанубий Корейя вони	▼ 18,58

10 Япония иенаси	▲ 217,08
1 Россия рубли	▼ 66,13
1 Украина гривнаси	▲ 253,48

«ШҲРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

юртимизнинг
гўзал аёлларини,
барча опа-сингилларимизни

8 март — Хотин-қизлар куни

билан қизфин қутлайди.
Хонадонларингиздан файз-барака,
хурсандчилик аримасин!
Байрам қувончи доимо
ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!



Аёллар тадбиркорлиги

Элим деганни эл қўлайди

О'ZLIDER ФАОЛИ ГУЛИСТОН АРАЛБАЕВАНИНГ САБЪ-ХАРАКАТЛАРИ ВА ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ БАҲОЛАНИБ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Наргуза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқул туманида истиқомат қиладиган Гулистон Аралбаева мана, саккиз йилдирки, туманининг «Бескўпир» овул фуқаролар йиғинида диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Тиниб-тинчимас партия фаоли қўллаб-қувватлаётгани нафақат овулдошлари, балки туманда ҳам кўпчилик яхши билади. 2009 йилда халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланган Гулистон опа айни пайтда партия депутатлик гуруҳига ҳам етакчилик қилапти.

Ўтган йили депутат ташаббуси билан «Тадбиркор аёл» ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан ҳамкорликда «Хотин-қизларнинг торморқаларида сабзавот маҳсулотлари етиштиришни қўллаб-қувватлаш» тезкор лойиҳаси асосида 25 нафар вақтинча ишсиз аёл бандлиги таъминланди. «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга

келтириб чиқариш» лойиҳаси асосида эса «Бескўпир» ОФЙ истиқомат қилувчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 20 нафар аёлнинг ҳар бирига «Микрокредитбанк» туман филиалидан 3 млн. сўмдан имтиёзли кредит ажратилиб, ушбу маблағ ҳисобидан чорва моллари олиб берилди.

— Бугунга келиб аёллар учун ўзлигини намоён этадиган давр келди, — дейди Гулистон опа. — Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, юртимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида ҳам фаол иштирок этган одам сира кам бўлмас экан. Шу йўлдаги камтарона меҳнатининг юсак баҳоланганидан бахтиёрман.

Бугун Қорақалпоғистондаги 4000 нафар О'zLiDeP аъзоси бўлган хотин-қизлар орасида Гулистон опа сингари фидойилар кўпчилигини ташкил этади. Улар ҳудудда либерал-демократик гояларнинг аёллар орасида кенг ёйилишида, тадбиркорликни янада ривожлантиришда ҳам ташаббускор бўлмоқдалар. Хусусан, Чимбой туманидаги «Нуримова Жамила» хусусий корхонаси раҳбари Жамила Нуримова қандолатчилик цехи очиб, 15 нафар

хотин-қизни иш билан таъминлаган бўлса, Нургул Нагметова миллий ва замонавий йўналишдаги тикув цехи ташкил этиб, сий фаоллигини ошириш ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тарғиботида ҳам асосан улар

О'ZLIDERНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Партия ўз олдига хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларини кўяди

хотин-қизларимиз учун 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратди.

— О'zLiDePнинг хотин-қизлар салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратишга йўналтирилган лойиҳалари Қорақалпоғистонда ҳам амалий натижалар бермоқда, — дейди О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг аёллар масаласи бўйича раис ўринбосари Сора Кулибоева. — Бунда сафларимиздаги 542 нафар тадбиркор ва 159 нафар фермер хотин-қизнинг самарали иштироки бор. Шаҳар ва туманларда тадбиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиё-

қумагига суянаёلمиз. Бундай ёндашув, албатта, ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, ҳудудда ўтган йили 120 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилиб, тадбиркор ва фермер хотин-қизлар кўмағида 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда илданувчан тадбиркорлар, мамлакат келажаги учун ўзини масъул, деб билганлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай опа-сингилларимизнинг О'zLiDeP гоялари асосида ҳамфикр ва кўмакдош бўлаётганликлари эса кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятидан далолатдир.

«Аёллар қаноти»:

ХОРАЗМ. О'zLiDeP Гурлан туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Тадбиркор ва фермерлар — ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам таянчи ва ҳал қилувчи кучи» мавзусида семинар ўтказилди. Фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди. * * *

ЖИЗЗАХ. Қатъий ҳаётий позицияга эга инсонни ёт гоёларга бўйсундириш ва ёлгон йўлга унлаш қийин. — О'zLiDeP Фориш туман кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан ўтказилган учрашув ана шу мавзуга бағишланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда имом-хатиблар қатнашган тадбирда хотин-қизларда маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, турли ёт иллатлар ва диний экстремизмга қарши кураш масалалари атрофида кўриб чиқилди. * * *

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги «Бекажон-Ян» кичик корхонасида 8 март — Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам кечаси ўтказилди. «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг фаол хотин-қизларига миннатдорлик билдирилиб, байрам совғалари топширилди. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Гўзаллик ва нафосат тимсоллари

АЁЛ ДЕГАНДА, ЭНГ АВВАЛО, КЎЗ ОЛДИМИЗДА ОИЛАНИНГ ЛАТОФАТЛИ БЕКАСИ ГАВДАЛАНАДИ

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, аёллар жамиятнинг барча соҳаларида бирдек фаол иш олиб бормоқдалар. Айниқса, ички ишлар идораларида касб машаққатларини енгиб, хизмат қиладиган опа-сингилларимизни ҳақиқий қаҳрамонлар, десак муболага бўлмайди.

Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъ-

минлаш бошқармасида фаолият юритаётган Наталья Муртазаева вазиликнинг жонкуяр ходималаридан. Меҳрибон ва очикқўнгил бу аёл янги келган ходималардан ўз билим ва тажрибаларини ҳеч қачон аямайди.

Бошқарма катта юрисконсулти Дилором Худойберганова ва Айгул Ахметовани ҳам ўз касбининг фидойилари, деб аташ мумкин. Энгнага ички ишлар

идоралари либосини кийиб, элу юрт осойишталиги йўлида хизмат қиладиган бундай фидойи опа-сингилларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Зеро, байрам арафасида юртимиздаги жамияти аёлларга, шу жумладан, ички ишлар идораларининг барча ходималарига сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаймиз.

ИИБ Мамбуом хизмати

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан марказий маланият уйида «Нафосат, назокат рамзидир аёл» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда шаҳар ҳокими Шухрат Эркабоев, шаҳар ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси Жамила Аҳмедова, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маланият ходими» Ҳабибулло Низомидинов сўзга чиқиб, ёш авлодни она-Ватанга салоқат, буюк келажақ учун курашчанлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик хислатларини намоён этишда фидойилик кўрсатаётган аёлларни табриклашди.

Анжуман иштирокчиларига шаҳар марказий маланият уйи хушовоз хонандалари, раққосалари томонидан концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда халқ ҳужалигининг турли жабҳаларида меҳнат қиладиган 80 нафар хотин-қизга дипломлар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

8 МАРТ ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

Масалан, Японияда худди шунга ўхшаш байрам бўлиб, у фақатгина қизлар байрами сифатида нишонланар экан. Кўпроқ кўнрақ байрами, деб аталган бу айём ҳар йили 3 марта ўтказилиб, унда кўнрақ юрт қизларига бахт тиланади. Қиз бор уй оstonасига қизил жовонча кўйилиб, унинг устига кўнрақлар ясантирилади. Мамлакатнинг баъзи худудларига эса кўнрақлар қоғоздан ясалиб, улар сувга оқизилар экан. Эмишкни, оқиб кетаётган қоғоз кўнрақ ўзи билан бахтсизлик ва касалликларни олиб кетаркан.

Италия ва Польшада 8 март байрам қилинса-да, аммо дам олиш кунини, деб эълон қилинмаган. Францияда эса ушбу байрам май ойида нишонланади. Германияда ҳам шу кун аёллар эъзозланиб, уларга чуқур эҳтиром кўрсатилса-да, байрам кунини ҳеч қим дам олмайди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Қутлов

«ШҮРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси

оналаримиз, аёлларимиз ва
опа-сингилларимизни

**8 МАРТ —
ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

билан қизгин муборакбод этади.
Сизларга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
Баҳор байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ҚУТЛОВ

Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

*азиз ва мўътабар аёлларимизни
баҳорнинг мафтункор айёмларидан
бири бўлмиш Хотин-қизлар
байрами билан табриклайди.
Ана шундай фарахбахш кунда
сизларга аъло кайфият,
сиҳат-саломатлик ва бахт тилаймиз!*





БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

муҳтарама онахонларимиз,
мунис аёлларимиз ва
лобар қизларимизни баҳоройнинг
гўзал байрамларидан бири —
8 март — Хотин-қизлар куни
билан табриклайди.
Сизни кўклам кайфияти
ҳеч қачон тарк этмасин!

